



ЎУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ,
БУЮМЛАРИ ВА КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИ
ИШЛАБ ЧИЌАРИШ

Тошкент архитектура-қурилиш
институти ҳузуридаги тармоқ
маркази

**ЃОВАК БЕТОН
БУЮМЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

ТОШКЕНТ-2020

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: ТАҚИ, т.ф.д., проф. Х.Х. Камиров

Тақризчи: ТАҚИ, т.ф.н., проф. З.М. Сатторов

Ўқув -услубий мажмуа ТАҚИ Кенгашининг 2020 йил 11 декабрдаги 2-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	11
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	20
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	56
V. КЕЙСЛАР БАНКИ	77
VI. ГЛОССАРИЙ.....	79
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	87

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутди.

Дастур доирасида берилётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик

вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Ишчи дастур олий ва ўрта махсус таълим муассасалари педагог кадрларнинг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Ишчи дастур мазмунида хориж таълим тажрибаси, ривожланган давлатларда таълим тизими ва унинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган

Ишчи дастур олий ва ўрта махсус таълим муассасалари педагог кадрларнинг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Ишчи дастур мазмунида хориж таълим тажрибаси, ривожланган давлатларда таълим тизими ва унинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилган.

Ушбу дастурда Ўзбекистонда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг ҳолати ва истиқболлари, ғовак бетон буюмларуларнинг турлари, таркиби ва хоссалари, керамик ва керамзит буюмларнинг турлари, таркиби ва хоссалари, уларни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хом ашё материаллари, буюмларни ишлаб чиқаришдаги инновацион технологиялар, ушбу соҳадаги мавжуд бўлган муаммолар баён этилган.

Ишчи дастурнинг мазмуни тингловчиларни “Ғовак бетон буюмларнинг инновацион технологияси” модулидаги назарий методологик муаммолар, чет эл тажрибаси ва унинг мазмуни, тузилиши, ўзига хос хусусиятлари, илғор ғоялар ва махсус фанлар доирасидаги билимлар ҳамда долзарб масалаларни ечишнинг замонавий усуллари билан таништиришдан иборат.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Ғовак бетон буюмларнинг инновацион технологияси” модулининг мақсад ва вазифалари:

- педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини ғовак бетон буюмларнинг инновацион технологияси ҳақидаги билимлари ва касбий тайёргарлигини чуқурлаштириш, бино ва иншоотларни қурилишида ғовак бетонларнинг қўлланилиши, материалларни муайян шароитларга мос ҳолда танлаш усулларини ўрганиш бўйича мутахассислик профилига мос бўлган билим, кўникма ва малакани шакллантириш;

- ғовак бетонларнинг асосий хоссалари, материал сарфини камайтириш, ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш ва технологик жараёнларни жадаллаштириш билимларни кенгайтириш;

- ўта енгил бетонларнинг тузилиши, таркиби ва хоссалари, ўта енгил бетон буюмларни ишлаб чиқаришнинг инновацион технологияси бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириш;

- ғовак бетонлар асосидаги материаллар ва буюмлар, иссиқлик изоляцияловчи материалларини ишлаб чиқаришда инновацион технологияларнинг жорий қилиниши ҳақида маълумотга эга бўлиш ва уларни амалиётга татбиқ этишдан иборатдир.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Ғовак бетон буюмларнинг инновацион технологияси” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- бозор иқтисоди шароитларида қурилиш материалларини ишлаб чиқаришнинг ривожланиши тенденцияларини;

- қурилиш материалларининг рақобатбардошлигини ошириш усулларини;

- қурилиш материалларининг таркиби, тузилиши ва хоссалари ўртасидаги ўзаро боғланишни ва уларнинг сифат кўрсаткичларини баҳолаш принципларини;

- материаллар сифатининг конструкциялар чидамлилиги ва ишончлилигига таъсирини;

- қурилиш материалшунослигида нанотехнология элементларидан фойдаланиш тажрибалари ва истиқболларини **билимларга эга бўлиши;**

Тингловчи:

- қурилиш материалларининг сифатини ва экологик хавфсизлигини баҳолаш;

- меъёрий ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда материалга ташқи муҳитнинг таъсири шароитларини таҳлил қилиш;

- қурилиш материалларига муайян фойдаланиш шароитларига мос келувчи вазифасига, технологиясига ва рақобатбардошлигига оид талабларни белгилаш;

- материаллар ва уларни олиш технологияларини қўллаш бўйича техник шартлар ишлаб чиқиш ва уларни ўрнатилган тартибда расмийлаштириш **кўникма ва малакаларини эгаллаши;**

Тингловчи:

- берилган фойдаланиш шароитларида ишловчи бино конструкциялари учун тегишли материалларни танлаш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Ғовак бетон буюмларнинг инновацион технологияси” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Ғовак бетон буюмларнинг инновацион технологияси” модули мазмуни ўқув режадаги “Йиғма темир-бетон буюмларнинг инновацион технологияси”, “Иссиқлик изоляцияловчи материалларнинг инновацион технологияси” ва “Қурилиш индустриясининг технологик ускуналари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг янги авлод қурилиш материаллари яратиш бўйича касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар янги авлод қурилиш материалларини яратишни ўрганиш, амалда қўллаш ва уларни баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат			
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси		
			Жами	Назарий	Амалий машғулот
1.	Ғовакли бетон буюмларнинг турлари, таркиби ва хоссалари. Керамик ва керамзит буюмларнинг турлари, таркиби ва хоссалари.	2	2	2	2
2.	Кўпикбетон, газбетон, полистирол бетон, газсиликатли бетон буюмларнинг таркиби ва хоссалари.	2	2	2	2
3.	Ўта енгил карбамид бетонларнинг тузилиши, таркиби ва хоссалари.	2	2		2
4.	Ғовакли бетон буюмларни ишлаб чиқаришнинг инновацион технологияси.	2	2	2	2
5.	Керамик ва керамзит буюмларни ишлаб чиқаришнинг инновацион технологияси.	4	4	2	4
	Жами:	22	22	8	12

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Ғовакли бетон буюмларнинг турлари, таркиби ва хоссалари. Керамик ва керамзит буюмларнинг турлари, таркиби ва хоссалари.

Ғовакли бетон буюмларнинг турлари, таркиби ва хоссалари. Керамик ва керамзит буюмларнинг турлари, таркиби ва хоссалари.

2-мавзу: Кўпикбетон, газбетон, полистирол бетон, газсиликатли бетон буюмларнинг таркиби ва хоссалари.

Кўпикбетон, газбетон, полистирол бетон, газсиликатли бетон буюмларнинг таркиби ва хоссалари.

3-мавзу: Ғовакли бетон буюмларни ишлаб чиқаришнинг инновацион технологияси.

Ўта енгил карбамид бетонларнинг тузилиши, таркиби ва хоссалари.

Ғовакли бетон буюмларни ишлаб чиқаришнинг инновацион технологияси.

4-мавзу: Керамик ва керамзит буюмларни ишлаб чиқаришнинг инновацион технологияси.

Керамик ва керамзит буюмларни ишлаб чиқаришнинг инновацион технологияси.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Ғовакли бетон буюмларнинг турлари, таркиби ва хоссалари. Керамик ва керамзит буюмларнинг турлари, таркиби ва хоссалари билан танишиш.

Ғовак бетон буюмларни ишлаб чиқариш технологияларининг бири-биридан фарқланиши ва ўзига хос хусусиятлари.

2-амалий машғулот: Кўпикбетон, газбетон, полистирол бетон, газсиликатли бетон буюмларнинг таркиби ва хоссалари билан танишиш.

Кўпикбетон, газбетон, полистирол бетон, газсиликатли бетон буюмларни ишлаб чиқаришнинг инновацион технологияси.

3-амалий машғулот: Ўта енгил карбамид бетонларнинг тузилиши, таркиби ва хоссалари билан танишиш.

Полимербетонларнинг тури ва ўта енгил карбамид бетонларнинг тузилиши, таркиби ва хоссалари нималарга боғлиқлиги фарқлаш.

4-амалий машғулот: Ғовакли бетон буюмларни ишлаб чиқаришнинг инновацион технологияси билан танишиш.

Ғовакли бетон буюмларни ишлаб чиқаришнинг технологик регламентининг макетини тузиш.

5-амалий машғулот: Керамик ва керамзит буюмларни ишлаб

чиқаришнинг инновацион технологияси билан танишиш.

Керамик ва керамзит буюмларни ишлаб чиқаришнинг технологик регламентининг макетини тузиш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидадан фойдаланилади:

-маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

-давра суҳбатлари (қўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

-баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.

Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айна пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда тингловчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи тингловчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратали.



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича таркатмага ёзма



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер-ўқитувчи томонидан таҳлиллар

Ғовак бетонларнинг турлари					
Газбетон		Кўпикбетон		Кўпик полистиролли бетон	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги
Хулоса:					

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «study» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетиде амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибиде кўлланилган. Кейсде очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни камраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш	<ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;

йўллари ишлаб чиқиш	✓ муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектиларини ёритиш

Кейс. Реконструкция қилиниши керак бўлган турар жой биносининг энергия тежамкор материаллардан фойдаланиб таъмирлаш зарур. Қурилиш материаллари бозорида биноларнинг энергия тежамкорлигини таъминлайди деб реклама қилинаётган материалларнинг турлари жуда кўп. Материалларнинг рекламада кўрсатилаётган кўрсаткичлари хар доим ҳам ишонарли бўлавермайди. Бинони таъмирлаш учун материал танлаш муаммосини қандай қилиб хал қилиш мумкин.

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гуруҳда).
- Темирбетон конструкцияни ишлаб чиқариш учун бажариладагина ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

“SWOT-таҳлил” методи

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони хал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

S – (strength)	• кучли томонлари
W – (weakness)	• заиф, кучсиз томонлари
O – (opportunity)	• имкониятлари
T – (threat)	• тўсиқлар

S	Ғовак бетонларнинг кучли томонлари	Иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентининг пастлиги, Ўртача зичлигининг кичиклиги.....
W	Ғовак бетонларнинг кучсиз томонлари	Сув шимувчанлигининг юқорилиги, сорбцион намлигининг юқорилиги.....
O	Ғовак бетонларнинг имкониятлари (ички)	Зарур ўлчамда тайёрлаш имкони, йиғма ёки монолит қуйиш имконияти.....
T	Тўсиқлар (ташки)	Ғовак бетонлардан ҳамма ерда ҳам фойдаланиш имкониятининг пастлиги

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология тингловчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир тингловчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

Ф	• фикрингизни баён этинг
С	• фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
М	• кўрсатган сабабингизни исботлаб мисол келтиринг
У	• фикрингизни умумлаштиринг

- тингловчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Фикр: “Ғовак бетонларда ғовак структурани ҳосил қилиш асосий тамойилларидан биридир”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
----------	--------	--------	--------

“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- тингловчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тўлиқ изоҳини уқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир тингловчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

“Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
<i>Автоклав</i>	юқори босим остида (жараёнларни тезлигини ошириш учун) қиздириб физикавий-кимёвий жараёнларни амалга ошириш учун герметик ёпиқ аппарат	

<i>Автоклав материаллари</i>	– силикат боғловчилар (оҳак, цемент ва уларнинг аралашмалари) ва анорганик тўлдиргичлар (асосан кум, шлак ва кул) асосидаги юқориҳарорат ва босим таъсирида қотадиган қурилиш материаллари ва буюмлари.	
<i>Автоклалда ишлов бериш</i>	Тайёрлаш вақтида тўйинган буғ билан буғлаб, 8-16 соат давомида иссиқ-нам ишлови берилади. Бу материалларга силикат ғишт, серғоак бетонлар мисол бўла олади.	
<i>Гигроскопик</i>	материалнинг муайян муҳитдан намликни ўзига тез сингдириб олиш хусусиятидир.	
<i>Керамзит</i>	енгил бетонлар учун сунъий ғовак шағалсимон тўлдиргич	
<i>Гидратация</i>	минерал боғловчининг, мисол учун цементнинг сув билан ўзаро таъсирининг цемент тошининг ҳосил бўлиши жараёнидир	
<i>Пластикловчи қўшимчалар</i>	жуда оз миқдорда қўшилишига қарамай пасталарнинг ҳаракатланувчанлиги (оқувчанли, яхши жойлашувчанлиги)ни оширувчи қўшимчалар	
<i>С/Ц (сув/цемент нисбати)</i>	янги тайёрланган бетон аралашмасида сув массасининг цемент массасига нисбати тушунилади.	

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

Венн Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- тингловчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда тингловчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан

- гуруҳ аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

Ғовак бетонларнинг хоссалари



“Блиц-ўйин” методи

Методнинг мақсади: тингловчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастлаб тингловчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, тингловчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи тингловчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини таништириб, баҳслашиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқишни топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва тингловчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Тингловчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

«Қурук қурилиш қоришмалари технологик жараёнлари» кетма-кетлигини жойлаштиринг. Ўзингизни текшириб кўринг!

Ҳаракатлар мазмуни	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси
Тўлдиргичларни қуриштириш ва фракцияларга ажратиш.					
Барча компонентларни омборга жойлаштириш (боғловчи моддалар ва қўшимчаларни ҳам)					
Қориштиргич аппаратига компонентларни тартиб солиш					
Қориштиргичда компонентларни аралаштириш					
Қолиплаш.					
Термик ишлов бериш					
Қолипдан ечиб олиш ва омборга жойлаш					

III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-назарий Ғовакли бетон буюмларнинг турлари, таркиби ва хоссалари.

Керамик ва керамзит буюмларнинг турлари, таркиби ва хоссалари.

Режа:

- 1.1. Ғовакли бетон буюмларнинг турлари, таркиби ва хоссалари.
- 1.2. Керамик ва керамзит буюмларнинг турлари, таркиби ва хоссалари.
- 1.3. Кўпикбетон, газбетон, полистирол бетон, газсиликатли бетон буюмларнинг таркиби ва хоссалари.


Таянч иборалар: *қурилиш материаллари, деворбоп материаллар, ғовакли бетон, кўпик-бетон, газбетон, пардадеворлар.*

1.1. Ғовакли бетон буюмларнинг турлари, таркиби ва хоссалари.

Ғовакли енгил бетонлар боғловчи ва кремнеземли компонентлар аралашмасини ғовак ҳосил қилувчи қўшимча воситасида кўпчителиб олинган композицион қурилиш материалларидир. +оришманинг бир меёрда кўпчиши натижасида ҳажм бўйича “Ғовакли ” структура ҳосил бўлади.


Ғовакли бетон ғоваклигини бевосита тайёрлаш жараёнида бошқариш мумкин. Ғовакли бетонлар ўртача зичлигига нисбатан (қуритилган ҳолда) иссиқлик изоляцияси ($\rho_0 < 500 \text{ кг/м}^3$), конструктив-иссиқлик изоляцияси ($\rho_0 = 500-900 \text{ кг/м}^3$) ва конструктив ($\rho_0 = 900-1200 \text{ кг/м}^3$) гуруҳларга бўлинади.

Енгил бетон қоришмасини икки ҳил усулда кўпчитиш мумкин: газ ҳосил қилувчи компонентлар аралаштириб кимёвий усулда ва алоҳида тайёрланган кўпик аралаштирилиб механик усулда.



Газ бетон ва газосиликат. Газ бетон портландцемент кремнеземли компонент ва газ ҳосил қилувчи аралашма асосида тайёрланади. Хусусий ҳолларда портландцементга ҳавой оҳак аралаштириш мумкин.

Кимёвий реакциялар турига нисбатан газ ҳосил қилувчилар қуйидагича бўлинади: кўшилган компонент (алюминий кукуни) боғловчилар ёки уларнинг гидратация маҳсулотлари билан кимёвий реакцияга киришиб газ ҳосил қилади: парчаланиш даврида газ ҳосил қилувчи компонентлар киритиш (пергидрол-перикис водороднинг сувдаги эритмаси H_2O_2) ҳисобига газ ҳосил қилиш; ўзаро кимёвий бирикиши натижасида газ ҳосил бўлиши (масалан, оҳактош кукуни ва хлорид кислотаси бирикиши). Газ ҳосил қилишнинг энг кенг тарқалган усули алюминий кукуни ва калций гидроксиди ўртасида бўладиган кимёвий реакция натижасида водород газининг ҳосил бўлишидир:



Кимёвий реакциялар натижасида ҳосил бўлган газлар цемент асосида тайёрланган қоришмани кўпчитади. Қоришманинг қуюқлик даражаси тўғри

танланса ғовак структурасини сақлаб қолади. Ўртача зичлиги 600-700 кг/м³ бўлган 1 м³ газбетон тайёрлаш учун 0,4-0,5 кг алюминий кукуни сарфланади.

Газбетон қуйма ва титратиш усулларида тайёрланиши мумкин. қуйма усулда қуруқ компонентлар массасига нисбатан 50-60% сув аралаштириб олинган ҳаракатчан қоришма қолипланади. Газбетон компонентлари-минерал боғловчи, кварц куми кукуни ва сув дозоторлар ёрдамида меёрланиб ўзиюрар газбетонқоргичга солинади ва 4-5 минут давомида синчиклаб аралаштирилади.

Аввалдан тайёрланган алюминий кукунининг сувдаги суспензияси қоришмага қўшилади ва аралаштирилади. Ҳосил бўлган газбетон қоришмаси металл қолипларга массани кўпчителиб қолипларни тўлдиришини ҳисобга олган ҳолда қўйилади. Қолиплардан қисман тошиб чиққан газбетонни тарангланган сим билан кесиб ташланади. Газ ҳосил бўлишини тезлаштириш мақсадида иситилган сувда газбетон қоришмаси тайёрланиб 40⁰С ҳароратда қолипларга қўйилади. Газбетон қотишини тезлаштириш учун автоклавда 175-200⁰С ҳароратда ва 0,8-1,3 МПа босимда ишлов берилади. Портландцемент қисман ёки бутунлай ҳавоий оҳак боғловчиси билан алмаштирилса автоклавда иссиқлик билан қайта ишлаш зарур бўлади. Газбетон фақат оҳак боғловчиси асосида олинса газсиликатбетон ҳосил бўлади.

Газбетон ҳаракатчанлигини камайтирмаган ҳолда сув сарфини 25-30% камайтириш мақсадида газбетон қоришмаси тайёрланаётганда ва қолипланаётганда титратиш усулини қўллаш мумкин.

Қисқа муддатли титратиш газ ҳосил бўлишига салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда газбетон қоришмасининг ҳаракатчанлигини оширади. Титратиш усулида тайёрланган газбетонда газ ҳосил бўлиши тезлашади ва кўпчителиш жараёни 5-7 минут давом этади, қуйма технологияда эса ушбу жараён 15-20 минутни ташкил этади. Титратиш усулида газбетон тайёрланганда 0,5-1,5 соатдан кейин унинг структуравий мустаҳкамлиги

етарли бўлади. Шу сабабли титратиш усулида газбетонни йирик қолипларга қуйиб, сўнг блоклар кўринишида кесиб олиш ва автоклавларда иссиқлик билан қуйма технологияга нисбатан қисқароқ вақт мобайнида қайта ишлаб қотириш мумкин.

Автоклавда иссиқлик ва босим остида ишлов бериш серхаражат ва технологик мураккаб жараён бўлгани учун газбетонни хона ҳароратида (20⁰С атрофида) сувнинг сарфини камайтирган ҳолда сиртактив моддалар қўшиб қотириш технологияси яратилган. Хона ҳароратида тайёрланган ва қолипланган газбетоннинг қотишини тезлаштириш учун атмосфера босими остида буғлаш кифоядир.

Газбетон ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш учун 10-12 м³ ҳажмдаги (баландлиги 2 м гача) йирик блокларни қуйиб, структура мустаҳкамликгача қотирилгач, махсус станок ёрдамида стандарт блоклар ҳолида кесилади, сўнг иссиқлик билан қайта ишланади.

Газбетон фрезер станоклари ёрдамида калибровкаланади, юзаси текисланиб жилоланади. Ҳосил бўлган газбетон элементлардан арматура ўтказилиб бир этаж баландлигидаги деворбоп панеллар йиғиш мумкин.

Автоклавда ҳавоий оҳак, кварц қуми кукуни ёки кул ва металлургия шлаклари кукуни асосида газсиликатбетон тайёрланади. Ҳавоий оҳак ва кварц қуми кукуни 1:3 дан 1:4,5 гача нисбатда масса бўйича олинади. Бир метр куб газсиликатбетон тайёрлаш учун 120-180 кг ҳавоий оҳак боғловчиси сарфланади. Газсиликатбетон оҳак ва кремнезем ўртасида бўладиган кимёвий реакция натижасида қотиши туфайли фақат автоклавда қайта ишланиши керак.

Кўпикбетон ва кўпиксиликат. Кўпикбетон алоҳида тайёрланган цемент қоришмаси ва кўпикни махсус қорғичларда аралаштириб олинади. +оришма портландцемент ва унинг турлари, ҳавоий оҳак ва бошқа боғловчилар асосида тайёрланиши мумкин.

Кукун тўлдиргич сифатида таркибида кремнезем бўлган минераллар (кварц қуми, шлаклар, куллар ва ш.к) ишлатилиши мумкин. Кўпик ҳосил

қилувчи компонент сифатида елимканифол, сапонин смоласи, алюмосулфонафтенли ва турли синтетик моддалар ишлатилади. Кўпик турғунлигини оширувчи сифатида хайвон елимлари, суяқ шиша, темир сульфати ва бошқалар ишлатилади.

Турғун кўпик куракчали кўпик ҳосил қилувчи аппаратлар ёки марказдан қочма принципда ишлайдиган насослар воситасида сув билан сиртактив моддаларни аралаштирилиб тайёрланади. Тайёрланган кўпикбетон қолипланади ва қотишини тезлаштириш учун иссиқлик билан қайта ишланади. Қотиш жараёнини кимёвий усулда тезлаштириш мақсадида кўпикбетон таркибига калций хлорид, поташ ва шу каби моддалар киритиш тавсия этилади.



Кўпикбетон

Кўпиксиликат ҳавоий оҳак ва кремнеземли минерал кукунлар асосида тайёрланади ва қотишини тезлаштириш учун автоклавда қайта ишланади.

Ғовакли бетонларнинг хоссалари. Ғовакли бетонларнинг ўртача зичлиги $300...1200 \text{ кг/м}^3$, ғоваклиги 60-85% бўлади.

Ғовакли бетонлар сиқилишдаги мустаҳкамлик чегарасига нисбатан куйидаги маркаларга бўлинади: М15, М25, М35, М50, М75, М100, М150. Сиқилишдаги мустаҳкамлигига нисбатан В0,35...В12,5 классларда бўлади.

Ғовакли бетонларнинг сув шимувчанлиги, гигроскопиклиги, сувга чидамлилиги, ғовакликнинг структурасига ва макроғоваклар ўртасидаги деворларнинг мустаҳкамлигига боғлиқ бўлади.

Ёпиқ ғовакли Ғовакли бетонларнинг сув шимувчанлиги ва совуққа чидамлилиги юқори бўлади. Совуққа чидамлилиги бўйича Ғовакли бетонлар қуйидаги маркаларда бўлади: F15, F25, F35, F50, F75, F100. Ташқи девор панелларида ишлатиладиган Ғовакли бетон совуққа чидамлилиги F15, F25 бўлса кифоя, доимо музлаш ва эриш эҳтимоли бор конструкцион Ғовакли бетонларнинг совуққа чидамлилик маркаси F50...F100 бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Ғовакли бетонларнинг энг мухим хоссаларидан бири иссиқлик ўтказувчанлик бўлиб, унинг зичлиги ва намлигига боғлиқ бўлади. Масалан, ўртача зичлиги 600 кг/м^3 бўлган Ғовакли бетоннинг қуруқ ҳолатдаги иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти $0,14 \text{ Вт/(м}^0\text{С)}$, 8% намликда бўлса, $0,22 \text{ Вт/(м}^0\text{С)}$. Ғовакли бетонларни намланишдан сақлаш мақсадида юзаси турли изоляцияловчи донали ёки сепма материаллар билан қопланиши мумкин. Газбетон ва кўпикбетон тайёрланаётганда гидрофоблик ёки дифиллик хусусиятига эга бўлган полимер қўшимчаларни оз миқдорда киритиш, кварц қумларини қуқунлашда механик-кимёвий активлаштириш уларни намланишдан сақлайди ва иссиқлик ўтказувчанлиги ўзгармаслигини таъминлайди.

Ғовакли бетонларни вақт ўтиши билан ҳажмий киришиши ёриқлар ҳосил бўлишига олиб келади. Уларнинг киришиши зичлигига ва қотиш шароитига боғлиқ бўлиб, таркибидаги сувнинг интенсив чиқиб кетмаслигини таъминлаш, уларда дастлабки ёриқлар ҳосил бўлишини огоҳлантиради. Ўртача зичлиги $700\text{-}800 \text{ кг/м}^3$ бўлган Ғовакли бетоннинг, нисбий намлик 70-80%, ҳарорат 20^0С бўлса, ҳаводаги киришиши $0,4\text{-}0,6 \text{ мм/м}$ ташкил этади.

Ғовакли бетонлар иссиқлик изоляцияси ва конструктив-иссиқлик изоляцияси буюмлари сифатида ишлатилади. Иссиқлик изоляцияси Ғовакли бетонлари ташқи икки ва уч қатламли панеллар, хоналарни ажратиш пардадеворлар, турар жой ва саноат бинолари томлари ва бошқа жойларда ишлатилади.

Конструктив-иссиқлик изоляцияси Ғовакли бетонлардан арматурасиз деворбоп блоклар, тошлар, ташқи девор панеллари тайёрлашда, саноат совуқхоналари девор ва томлари қурилишида ишлатилади.

1.2.Керамик ва керамзит буюмларнинг турлари, таркиби ва хоссалари.

Иссиқлик химояловчи материаллар ишлаб чиқаришда барча турдаги хом-ашъёлардан фойдаланиш мумкин. Уларга ғовак ҳосил қилувчи қўшилмаларни оз миқдорда қўшиш ва махсус ишлов бериш йўли билан керакли хоссаларга эга бўлган буюмлар ясалади. Бундай буюмлар жуда катта миқдорда ишлаб чиқарилганлиги ва қурилиш - техникада қўлланилганлиги туфайли ишлатиладиган хом-ашъё табиатда кенг тарқалган, қазиб олиниши осон бўлган ва таннархи унчалик юқори бўлмаслиги даркор.

Юқоридаги техник - иқтисодий факторларни ҳисобга олган ҳолда иссиқлик химояловчи материаллар хом-ашъёси сифатида қуйидагилар ишлатилади:

1. Тоғ жинслари:

а) базальтлар, гранитлар, диабазлар, диоритлар, трахитлар ва бошқа вулқонли табиатга эга бўлган моддалар;

б) доломитлар ва мергеллар, змеевикли ва тупроқли сланецлар ҳамда магмадан кейинги, гидротермал ва метаморфик табиатга эга бўлган жинслар.

2. Минерал хом - ашъёлар - асбест $Mg_3Si_2O_7 \cdot 2H_2O$, вермикулит $(Mg,Fe)_3 \cdot Si_3AlO_{10}(OH)_2 \cdot 4H_2O$, шишасимон вулқон массаси - перлит SiO_2 -70%, Al_2O_3 -15%, Fe_2O_3 -1,5%, RO =2-6%, R_2O =5-10%, глауконит $K^+(Fe^{3+}, Fe^{2+}, Al, Mg)_{2-3} Si_3 (Al, Si) O_{10} \cdot (OH)_2$ ва бошқалар.

3. Саноат тармоқларининг турли чиқиндилари - домна тошқоли, иссиқлик электр станциялари қозонлари кули ва бошқалар.

4. Органик табиатли моддалар - ёғоч, қипиқ, торф, сомон, қамиш ва бошқалар.

Материалларнинг ғоваклилигини таъминлаш мақсадида ишлатиладиган хом-ашъёлар:

1. Махсус газ ҳосил қилувчи моддалар - алюминийли пудра, пергидрол H_2O_2 , марганец оксиди MnO_2 , фосфор кислотаси R_3PO_4 ва бошқалар;

2. Кўпик ҳосил қилувчи юқори актив моддалар - сув ва ҳаво, сапонин, елимли канифол, алюмосульфонафтенли модда ва бошқалар;

3. Юқори даражадаги ғоваклиликни таъминловчи суюқликлар - сув ва бошқа бирикмалар;

4. Юқори ҳароратда куйиб ёки қуриб кетувчи моддалар - сув, турли суюқликлар, қипик ва бошқалар.

Органик иссиқлик изоляцияси буюмлари ўсимликлардан олинадиган материаллар (ёғоч, қамиш, торф ва шу кабиларнинг чиқиндилари) дан ишлаб чиқарилади. Асбест, шлак, шиша ва бошқа минераллардан иборат бўлган материалларга нисбатан органик иссиқлик изоляцияси буюмларининг гигроскопиклиги кучли, нам текканда тезда чирий бошлайди, юқори температура (1000 дан юқори) таъсирига чидамайди.

Лой қоришмаси, тошқол ва нувчи аралашмаларни пишириб олинган ғишт иссиқликни сақловчи ғишт деб аталади. Хом ашё сифатида таркибида органик аралашмалар (битумли сланецлар) ёки карбонатлар (мергелли тупрокО бўлган махсус лой ишлатилади.

Ёнувчи қўшилмалар (ёғоч қириндиси, кўмир кукуни) лойга нисбатан 20 %лар атрофида қўшилади.

Кўпик диатомит буюмлар. Трепел ёки диатомит қуритилиб, сўнг майда қилиб туйилади. Сув билан қаймоқсимон қоришма тайёрлангандан кейин, унга кўпиртирувчи моддадардан совун, етмак (кўпирувчи илдиз) ёки канифоль елими эритмаси қўшилади. Қаймоқсимон қоришма қолипларга солинади ва 2—4 кун давомида қурилгандан сўнг 900-1000 °С ҳароратда пиширилади. Бундай буюмлар иссиқ ускуна ва қувурларнинг иссиқдигини сақдаш мақсадида ишлатилади.

Керамзит. Осон эрувчан лойни бирдан берилган юқори хароратда пиширишдан ҳосил бўлган, кўпчиган сунъий тош доналари керамзит деб аталади. Бунда таркибида 5—8 % темир оксиди бўлган лой ишлатилади. Керамзит ишлаб чиқаришда лойдан ташқари минерал хом ашёлар ва сунъий арадашмалар ҳам ишлатиш мумкин. Осон суюқланадиган гиллар ёки гилли сланецларни куйдириб шишириш йўли билан олинадиган керамзит ишлаб чиқаришда шихта бир компонентли ёки кўп компонентли бўлиши мумкин. Лекин иккинчи ҳолда ҳам шихтада гиллар миқдори жуда кўп бўлиши зарур. Бундай гиллар таркиби (%) ҳисобида: 50-65 SiO₂, 10-25 Al₂O₃, 3,5-10 Fe₂O₃ + FeO, 7 гача CaO + MgO ва 3,5-5 R₂O. Органик чиқиндилар миқдори 1 дан 2 % гача ва эркин кремнезем миқдори 25 % гача бўлади.

Кўпчитилган вермикулит ва асбествермикулитли иссиқлик изоляцияли буюмлар ишлаб чиқаришда шихта таркибига 100 % га қадар табиий вермикулит (слюда, кўпинча биотит асосидаги мураккаб магний алюмосиликати) ва боғловчи модда (портландцемент, крахмал кўшилган лой) киритилади. Асбествермикулитли боғловчи эса асбест ва вермикулит аралашмасидан тайёрланади.

Кўпчитилган перлит олишда шихта таркиби асосан вулкандан отилиб чиққан кумтупроқли тоғ жинсидан иборат бўлади. Перлит керамика буюмлари олишда шихта перлитли қум ва гилдан иборат бўлади.

Аглопорит ишлаб чиқаришда масса таркиби икки компонент - гилтупроқ ва кўмир саноати чиқиндиларидан ташкил топган бўлади.

2-Назарий Кўпикбетон, газбетон, полистирол бетон, газсиликатли бетон буюмларнинг таркиби ва хоссалари

Режа:

1. Ўта енгил карбамид бетонларнинг тузилиши, таркиби ва хоссалари.
2. Ғовакли бетон буюмларни ишлаб чиқаришнинг инновацион технологияси.

3. Керамик ва керамзит буюмларни ишлаб чиқаришнинг инновацион технологияси

Таянч иборалар: қурилиш материаллари, деворбон материаллар, говакли бетон, кўпик-бетон, газобетон, пардадеворлар.

Серговак бетонлар классификацияси

Бетон қуйидаги қўшимчалар билан ГОСТ 25192 бўйича таснифланади:

- фойдаланиши бўйича;
- қотиш шароитига кўра;
- боғловчи ва кремнезем компонентлари тури бўйича;
- говак ҳосил қилиш усули бўйича.

Фойдаланишига кўра бетонлар қуйидагиларга бўлинади:

- қурилиш саноатида фойдаланувчи, завод шароитда ишлаб чиқарилган йиғма буюмлар;

- қурилиш саноатида тайёрланган монолит конструкциялар.

Фойдаланишига кўра, бетонлар қуйидагиларга бўлинади:

- иссиқлик изоляцияси учун;
- конструкцион-иссиқлик изоляцияловчи;
- конструкцион.

Қотиш шароитига кўра бетонлар қуйидагиларга бўлинади:

- табиий шароитда;
- атмосфера босимида иссиқлик билан ишлов бериш шартлари (буғлаш, электр иситиш вақтида).

Боғловчи ва кремний компонентлари турлари бўйича бетонлар қуйидагиларга бўлинади:

- асосий боғловчи тури бўйича:

таркибидаги портландцемент массаси 50% ва ундан юқори бўлган цемент боғловчиларида;

15% дан 50% гача бўлган портланд цементдан ташкил топган аралаш боғловчилар, оҳак ёки шлак ёки оҳак аралашмаси;

Оғирлиги 50% дан ортиқ шлакдан ташкил топган шлак боғловчилари оҳак, гипс билан аралаштирилган ёки ишқор билан;

кул боғловчи моддалар, бунда оғирлиги бўйича 50 фоиз ва ундан юқори бўлган асосий учувчан кули бор;

- кремний таркибига кўра:

табиий материаллар бўйича - майда тупроқли кварц ва бошқа кумлар:

қўшимча саноат маҳсулотлари - иссиқлик электр станциялари кули, иккиламчи турли хил рудаларни бойитиш маҳсулотлари ва бошқалар.

Ғовакларни ҳосил қилиш усулига кўра бетонлар қуйидагиларга бўлинади:

- газбетонлар.
- кўпик бетонлар;
- газкўпикбетон.

2.1. Кўпикбетон буюмларнинг таркиби ва хоссалари

